

ПРЕЭКЛАМПСИЯДА ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК ЎЗГАРИШЛАРИ

Шукуров Ў.Э.

ALFRAGANUS UNIVERSITY

Алфраганус университети (Тошкент, Ўзбекистон)

Долзарблиги: Преэклампсия ҳомиладорликнинг энг оғир асоратларидан бири бўлиб, она ва перинатал ўлимнинг муҳим сабабларидан ҳисобланади. Замонавий қарашларга кўра, преэклампсияда иммун тизим, айниқса лимфа тугунларининг барьер-филтрация ва детоксикация функцияларида чуқур ўзгаришлар кузатилади. Шу боис, лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш касаллик патогенезини чуқур англашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади: Преэклампсияда трахеобронхиал ва мезентериал лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини аниқлаш.

Материал ва усуллар: Тадқиқот 2015–2021 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика патологик анатомия марказида ўтказилди. Аутопсия жараёнида ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида преэклампсия асоратларидан вафот этган 44 нафар аёлдан трахеобронхиал ва мезентериал лимфа тугунлари ажратиб олинди. Назорат гуруҳи сифатида соматик экстрагенитал касалликлардан вафот этган 14 нафар аёлнинг лимфа тугунлари ўрганилди. Клиник-анамнестик маълумотлар таҳлил қилиниб, преэклампсиянинг ўрта оғир, оғир ва эклампсия шакллари фарқланди. Морфологик тадқиқотлар гистологик усуллар орқали, морфометрик таҳлил эса лимфоид фолликулалар, паракортикал майдон ва синуслар ўлчамларини баҳолаш асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари: Клиник таҳлил натижаларига кўра, ўлим кўрсаткичи оғир преэклампсияда 44,8%, эклампсияда 17,2% ва ўрта оғир шаклда 13,8% ни ташкил қилди. Беморларнинг ўртача ёши $32,4 \pm 2,6$ йил бўлиб, асосий хавф омиллари сифатида артериал гипертензия (85,4%), семириш (74,6%) ва иккинчи даражали қандли диабет (36,3%) аниқланди.

Трахеобронхиал лимфа тугунларида пўстлоқ қават кенгайган, мағиз қавати тор, паракортикал соҳа сегментар тарзда жойлашган. Преэклампсияда лимфоид фолликулалар атрофияси, паракортикал зонанинг сийраклашиши, посткапилляр венулаларнинг қайта тузилиши ва синусларнинг торайиши кузатилди.

Мезентериал лимфа тугунларида ташқи капсула юпқалашган, субкапсуляр синуслар кенгайган, пўстлоқ қавати энсизлашган. Преэклампсия таъсирида лимфа тугунларда дистрофик ва атрофик жараёнлар устун бўлиб, лимфоид фолликулаларда некробиотик ўзгаришлар ва секвестрация ҳолатлари қайд этилди. Барьер-филтрация функциясини таъминловчи гистиоцитлар ва ретикуляр хужайралар пролиферацияси кучайгани аниқланди. Строма-томир компонентларида пролиферация ва қайта тузилиш жараёнлари кузатилиб, бу детоксикация функциясининг компенсатор кучайиши сифатида баҳоланди.

Хулоса:

Преэклампсия лимфа тугунларида чуқур морфологик қайта қурилишларга олиб келади. Бу ўзгаришлар лимфоид тўқиманинг атрофияси ва некробиозини, синуслар архитектурасининг бузилиши ҳамда стромал-томир компонентлар пролиферацияси билан характерланади. Аниқланган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар преэклампсияда иммун тизим дисфункцияси ва эндотоксикоз ривожланишининг морфологик асосини ташкил этади.